ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НУКУС ШАҲРИДА БОШ МИЯ ИНСУЛЬТИНИНГ КЕЧИШИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Тлеубергенова Азима Балтабаевна – ассистент
Раманова Юлдузхан Бисенбаевна – ассистент
Матмуродов Рустамбек Жуманазарович – т.ф.д., профессор
Қорақолпоғистон тиббиёт институти (Нукус, Қорақолпоғистон)
Тошкент давлат тиббиёт университети (Тошкент, Ўзбекистон)

Инсульт дунё бўйлаб катталар орасида узоқ муддат меҳнатга лаёқатсизлик, ўлим ва соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ҳаражатларга олиб келувчи асосий сабаблардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади. *Регистр асосида Қорақолпоғистон республикасининг Нукус шаҳрида бош мия инсультининг кечиши ва оқибатларини ўрганиш.*

Тадқиқот материали ва усуллари. *Бош мия инсультининг оролбўйи минтақаси Қорақолпоғистон республикасининг Нукус шаҳрида тарқалиши, клиник кечиш хусусиятлари ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 2021-2023 йилларда "Мия инсультлари регистри" ўтказилди. Мия инсультлари ривожланиши ва тарқалишининг умумий қонуниятларини ўрганиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ чуқур ўрганиш ўтказилди ҳамда турли тадқиқот базалари ва маълумот манбаларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар ялпи усулда олиб борилди.*

Олинган натижалар. *Тадқиқотнинг илк босқичларида биз Қорақолпоғистон республикасининг экологик ноқулай худудлари Кегейли, Мўйноқ, Амударё туманлар ва Нукус шаҳрида 2021-2023 йиилар давомида биринчи марта инсультни ўтказган беморларнинг гендерлик тақсимланиши ва фоиз кўрсаткичларин таҳлил қилдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 3 йил давомида жами 1329 нафар инсульт билан оғриган бемор рўйҳатга олинган бўлса, 725 нафари (54,6%) эркаклар ва 604 нафари (45,4%) аёллардан ибрат бўлди. Тадқиқотни олиб боришда экологик ноқудай шароит бўлган ва иқлим шароити турлича бўлаган туманлар, шунингдек республика пойтахти Нукус шаҳри солиштирилди. Нукус шаҳрида 3 йил давомида 985 нафар бемор касалланган бўлса, 506 нафари (51,4%) эркаклар ва 479 нафари (48,6%) аёллардан иборат бўлди. Нукус шаҳрида жами инсульт ишемик инсульт 431 та (43,7%), геморрагик инсульт 415 ва (42,1%) ва нодифференциал инсульт 139 та (14,2%).*

Хулосалар. *Қорақолпоғистон республткасининг Нукус шаҳрида бош мия инсультлари ўзига хос бўлган клиник кечиш хусусиятлари ва оқибатларига эга. Бу Нукус шаҳрининг географик жойлашув худуди ва аҳолисининг зичлиги билан боғлиқ. Инсульт кечиши ва оқибатларини гендер фарқликни инобатга олган ҳолда ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.*

Калит сўзлар: *Қорақолпоғистон, Нукус, инсульт*

ТЕЧЕНИЕ И ПОСЛЕДСТВИЯ ИНСУЛЬТА В ГОРОДЕ НУКУС РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

Тлеубергенова Азима Балтабаевна – ассистент
Раманова Юлдузхан Бисенбаевна – ассистент
Матмуродов Рустамбек Жуманазарович – д.м.н., профессор
Медицинский институт Каракалпакстана (Нукус, Каракалпакстан)
Ташкентский государственный медицинский университет (Ташкент, Узбекистан)

Инсульт является одной из ведущих причин длительной инвалидности, смерти и высоких затрат на здравоохранение среди взрослого населения во всем мире.

Цель исследования. *Исследование течения и последствий инсульта головного мозга в Нукусе республики Каракалпакстан на основе данных регистра.*

Материалы и методы исследования. *Для изучения распространенности, клинического течения и последствий инсульта головного мозга в городе Нукуса республики Каракалпакстан, в 2021-2023 годах было проведено углубленное исследование. Для изучения общих закономерностей развития и распространения инсультов головного мозга было проведено углубленное исследование в соответствии со специально разработанной программой с использованием различных исследовательских баз данных и источников информации. Исследование проводилось комплексно.*

Результаты. *На начальном этапе исследования мы проанализировали распределение по полу и процент пациентов, перенесших первый инсульт в экологически неблагоприятных регионах Республики Каракалпакстан – Кегелейском, Муйнакском, Амударьинском районах и городе Нукусе в период 2021-2023 годов. Результаты показывают, что за 3 года было зарегистрировано в общей сложности 1329 пациентов*

с инсультом, из которых 725 (54,6%) были мужчинами и 604 (45,4%) – женщинами. В исследовании сравнивались районы с различными экологическими и климатическими условиями, а также столица Нукус. В городе Нукус за 3 года было диагностировано 985 пациентов, из которых 506 (51,4%) были мужчинами и 479 (48,6%) – женщинами. В городе Нукус общее число инсультов составило 431 (43,7%) ишемический инсульт, 415 (42,1%) и недифференцированный инсульт 139 (14,2%).

Вывод. *Инсульты в городе Нукус, Республика Каракалпакстан, имеют уникальное клиническое течение и последствия. Это обусловлено географическим положением города Нукус и его плотностью населения. Целесообразно изучать течение и последствия инсульта с учетом гендерных различий и внедрять профилактические меры.*

Ключевые слова: *Каракалпакстан, Нукус, инсульт*

THE COURSE AND CONSEQUENCES OF STROKE IN THE CITY OF NUKUS, REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

Tleubergenova Azima Baltabaevna – assistant
Ramanova Yulduzkhan Bisenbaevna – assistant
Matmurodov Rustambek Jumanazarovich – D.M.Sc., professor
Medical institute of Karakalpakstan (Nukus, Karakalpakstan)
Tashkent State Medical University (Tashkent, Uzbekistan)

Stroke is a leading cause of long-term disability, death and high healthcare costs among adults worldwide.

Objective. *To study of the course and consequences of cerebral stroke in Nukus, Republic of Karakalpakstan, based on registry data.*

Materials and methods. *To study the prevalence, clinical course, and consequences of stroke in Nukus, Republic of Karakalpakstan, an in-depth study was conducted from 2021 to 2023. To understand the general patterns of development and spread of stroke, the study was conducted in accordance with a specially developed program using various research databases and information sources. The study was conducted in a comprehensive manner.*

Results. *At the initial stage of the study, we analyzed the gender distribution and percentage of patients who experienced their first stroke in ecologically disadvantaged regions of the Republic of Karakalpakstan—Kegolei, Muynak, and Amu Darya districts and the city of Nukus—from 2021 to 2023. The results show that a total of 1,329 patients with stroke were registered over 3 years, of which 725 (54.6%) were men and 604 (45.4%) were women. The study compared districts with different environmental and climatic conditions, as well as the capital, Nukus. In the city of Nukus, 985 patients were diagnosed over 3 years, of which 506 (51.4%) were men and 479 (48.6%) were women. In the city of Nukus, the total number of strokes was 431 (43.7%) ischemic stroke, 415 (42.1%) and undifferentiated stroke 139 (14.2%).*

Conclusion. *Strokes in Nukus, Republic of Karakalpakstan, have a unique clinical course and consequences. This is due to Nukus's geographic location and population density. It is advisable to study the course and consequences of stroke, taking into account gender differences, and implement preventive measures.*

Key words: *Karakalpakstan, Nukus, stroke*

Мавзунинг долзарблиги. Инсульт дунё бўйлаб катталар орасида узоқ муддат меҳнатга лаёқатсизлик, ўлим ва соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ҳаражатларга олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Бу соғлиқни сақлаш тизимидан инсультнинг доимий даволаш йўлларини такомиллаштиришни талаб қилувчи оғир вазифадир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра "... дунё бўйича 2030 йилга келиб инсульт сабабли ўлим ҳолатларининг ўсиши, ушбу эпидемия билан курашиш бўйича фаол глобал чоралар кўрилмаса, 7,8 миллионга етиши маълум қилинмоқда" [2,3,4,7].

Ўзбекистонда хам бош мия инсульти билан хасталанган беморлар сони етарлича юқорийилига 40-45 минг инсульт холати қайд этилади. Инсульт бўлган касалларнинг 80% дан ортиғи меҳнат қобилиятини турғун тарзда йўқотади ва фақат 10,2 % гина меҳнат фаолиятига қайта олади (Ғафуров Б.Ғ. 2009) [1,6]. Инсульт муаммоларининг долзарблиги беморлар контингентининг ёшариб бораётгани билан ҳам боғлиқдир (Гусев Е.И., 2001; Умарова Х.Я., 2004; Содиқова Г.Қ. 2009; Williams L.S. 2002). Ёшлар орасида инсультлар барча инсульт популяциясининг 2,5 дан 14 % ни ташкил қилади (Гузева В.И. ва б. 2006; Дзак Л.А., 2009; Зққов В.П. ва б., 2009). Бунда инсульт структураси 44 ёшгача бўлган беморларнинг 55 % да геморрагик, 45 % да ишемик инсультга тўғри келади [5,8,9,10,].

Аҳоли орасида бош мия инсульти билан касалланиш қонуниятларини ўрнатишга уриниш анча олдин бошланган, бироқ бунда турли манбалардан фойдаланилган бўлиб, ташхислашнинг стандартлашмаган мезонларидан фойдаланилган. Бу эса ўз навбатида турли муаллифлар

томонидан келтирлган маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилиб, уларни мувофиқлаштиришнинг имкони бўлмаган. Ҳақиқий касалланиш, ўлим кўрсаткичлари, шунингдек, касалхонагача бўлган, ва бу кўрсаткичларнинг динамикасини фақатгина узоқ вақт давомида ахолининг маълум гуруҳи орасида ўрганибгина ишончли маълумотлар олиш имконини беради [11,12,13]. Шу мақсадда Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан стандартлашган текширув усуллари ва ташхислаш мезонлари билан "Ўткир бош мия инсульт регистри" ишлаб чиқилди. Бу дастурдан фойдаланиш ўткир бош мия инсульти билан касалланишнинг ҳақиқий кўрсаткичлари ва даволашнинг турли босқичларида беморларга ёрдам кўрсатиш самарадорлигини бахолаш имконини беради.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бугунги кунда ахолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "... Мамлакатимизда ахолига кўрсатилаётган тиббий ёрадамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...." (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони") га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда инсульт билан хасталанган беморларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларни пасайтириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларни такомиллаштириш ва умумжаҳон стандартларига мувофиқ инсульт регистрларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади. Регистр асосида Қорақолпоғистон республикасининг Нукус шаҳрида бош мия инсультининг кечиши ва оқибатларини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Бош мия инсультининг оролбўйи минтақаси Қорақолпоғистон республикасининг Нукус шаҳрида тарқалиши, клиник кечиш хусусиятлари ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 2021-2023 йилларда "Мия инсультлари регистри" ўтказилди. Мия инсультлари ривожланиши ва тарқалишининг умумий қонуниятларини ўрганиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ чуқур ўрганиш ўтказилди ҳамда турли тадқиқот базалари ва маълумот манбаларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар ялпи усулда олиб борилди.

Рўйхатга олиш жараёнида шифокор инсультга шубҳа қилинган ҳар бир бемор учун барча мавжуд маълумотлардан (таҳлил ва беморни объектив текшириш маълумотлари, даволовчи шифокорнинг ҳисоботи, оила аъзолари, касаллик тарихи, архив маълумотлари, тиббиёт ҳужжатлар, берилган гувоҳномалар, фавқулодда чақирув карталари ва аутопсия қилинган тақдирда, ёриб кўриш баённомасидан) фойдаланган ҳолда махсус рўйхатга олиш картасини тўлдирди. Махсус карта бош Ўзбекистон республикаси бош неврологи, Қорақолпоғистон республикаси бош неврологи, етакчи мутахасислар билан биргаликда тузилди ва текширилди. Ўзбекистон республикаси ва Қорақолпоғистон республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланди.

Материалнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium IV шахсий компьютерида қилинди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ҳисоблаб чиқилди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффициенти (r) олинди.

Натижалар. Тадқиқотнинг илк босқичларида биз Қорақолпоғистон республикасининг экологик ноқулай худудлари Кегейли, Мўйноқ, Амударё туманлар ва Нукус шаҳрида 2021-2023 йиилар давомида биринчи марта инсультни ўтказган беморларнинг гендерлик тақсимланиши ва фоиз кўрсаткичларин таҳлил қилдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 3 йил давомида жами 1329 нафар инсульт билан оғриган бемор рўйҳатга олинган бўлса, 725 нафари (54,6%) эркаклар ва 604 нафари (45,4%) аёллардан ибрат бўлди. Тадқиқотни олиб боришда экологик ноқудай шароит бўлган ва иқлим шароити турлича бўлаган туманлар, шунингдек республика пойтахти Нукус шаҳри солиштирилди. Нукус шаҳрида 3 йил давомида 985 нафар бемор касалланган бўлса, 506 нафари (51,4%) эркаклар ва 479 нафари (48,6%) аёллардан иборат бўлди. Нукус шаҳрида жами инсульт ишемик инсульт 431 та (43,7%), геморрагик инсульт 415 ва (42,1%) ва нодифференциал инсульт 139 та (14,2%). Нукус шаҳрида 331 нафар беморда (76,8%) КҲ, 66 нафар беморда (15,3%) ВҲ ва 34 нафар беморда НҲ (7,9%) аниқланди.

Биз кейинги босқичда нукус шаҳридаги беморларда 3 йил давомида инсультни каерда ўтказганлиги анализ қилдик. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 820 нафар беморда (83,2%) инсульт уйда кузатилган (p<0,05). 62 нафар беморларда (6,3%) эса инсульт кўчада кузтилган, 58 нафарида (5,8%) иш жойида, 18 нафарида (1,8%) поликлиникада ва 27 нафарида (2,9% бошқа жойларда кузатилган. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, биринчи тиббий кўрик ва тиббий ёрдам инсульт бўлган беморларнинг кўпчилигида 740 нфар беморда (75,1%) тез ёрдам шифокори томонидан амалга оширилган (p<0,05), камроқ 245 нафар беморда (24,9%) ҳолларда бу ишни умумий амалиёт шифокори (УАШ) бажарган. p<0,05). Биринчи тиббий кўрикдан сўнг беморларнинг 837 нафарида (84,9%) БМҚАЎБ (p<0,05), 94 нафарида (9,5%) бош мияда қон айланишининг ўтиб кетувчи бузилиши, 30 нафарида (3,0%) гипертоник криз ташхиси, 24 нафарида (2,4%) бошқа ташхислар қўйилган. Биринчи тиббий кўрикдан сўнг инсульт билан касалланганларнинг 728 нафари (73,9%) касалхонага ётқизилган. Беморларнинг 26,1% қайта тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганидан кейингина касалхонага ётқизилган. Нукус шаҳридаги шифохоналардаги инсульт билан касалланган беморларни стационарга ётқизиш муддатларини таҳлил қилганимизда касаллик бошланганидан бошлаб беморларнинг 443 нафари (44,9%) дастлабки 6 соат ичида, 335 нафари (34,0%) 6 соатдан кечроқ муддатларда касалхонага ётқизилганлиги маълум бўлди. Беморларнинг 21,1 фоизида эса касалхонага ётқизиш муддати номаълум эканлиги аниқланди. Инсультнинг оғирлик даражаси Скандинавия шкаласи ёрдамида баҳоланди. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, Скандинавия шкаласи бўйича беморларнинг 55,6 фоизида инсультнинг енгил даражаси аниқланган (p<0,05). Беморларнинг 26,5 фоизида инсультнинг ўртача оғир даражаси, 17,9 фоизида эса оғир даражадаги инсульт кузатилган (p<0,05).

Ҳаракат бузилиши бўлган беморларда 28-кунга келиб, бироз яхшиланиш кузатилди (53%) (p<0,05). Ҳаракат фаолиятини сезиларли даражада тикланиш ва тўлиқ тикланиш ўртасида статистик жиҳатдан катта фарқ аниқланмади (p=0,26). Беморларнинг 5 фоизида ҳаракат функциясининг сезиларли даражада яхшиланиши кузатилган. Инсульт содир бўлган пайтдан бошлаб 28-кундаги ҳаракат бузилишлари динамикасини инсульт турлари бўйича солиштириб кўрганда, ҳаракат сферасидаги ижобий ўзгаришлар геморрагик инсультларга (55%) нисбатан ишемик инсультларда (76%) кўпроқ кузатилганлиги аниқланди (p<0,05).

Тадқиқотимиз натижасига кўра, инсульт содир бўлган пайтдан бошлаб 1 ойдан сўнг беморларнинг кўпчилигида нутқ бузилишлари 630 нафар беморда (63,9%) (p<0,05) бўлган. Ишемик инсульт билан оғриган беморлардаги бузилган нутқ функциялари динамикасини геморрагик инсульт бўлган беморлар билан солиштирганда, нутқ фолиятининг яхшиланиш даражасида статистик жиҳатдан муҳим фарқ топилмади (p>0,05). Геморрагик инсультда нутқ функцияларининг бироз яхшиланиши (55,2%) унинг тўлиқ тикланишидан (9,4%) кўп эканлиги аниқланди (p<0,05). Касалликнинг ўткир даври охирига келиб, кўпчилик беморлар палатада ёки хонадагина 856 нафари (86,9%) юра олишган, беморларнинг камроқ қисми 124 нафари (12,58%) эса кўчага чиқа олишган (p<0,05).

Хулосалар. Қорақолпоғистон республткасининг Нукус шаҳрида бош мия инсультлари ўзига хос бўлган клиник кечиш хусусиятлари ва оқибатларига эга. Бу Нукус шаҳрининг географик жойлашув худуди ва аҳолисининг зичлиги билан боғлиқ. Инсульт кечиши ва оқибатларини гендер фарқликни инобатга олган ҳолда ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Гафуров Б. Г., Рахманова Ш. П. Некоторые клинико-патогенетические характеристики первого и повторного мозговых инсультов // Международный неврологический журнал. – 2011. – №. 1. – С. 45-48.

2. Киличев И.А. Мозговые инсульты в экологически неблагоприятных

зонах Приаралья // Неврология 4(76), 20 18. с.70.

3. Киличев И.А., Ходжанова Т.Р. Метеотропные реакции у болных с мозговыми инсультами // Неврология 4(76), 2018. с.71.

4. Kilichev I.A., Xudaybergenov N.Yu. Miya insultlari o‘tkir davrida o‘lim oqibatlarining tavsifi// Nevrologiya 4(76), 2018. c.71.

5. Кудряшов А.А. Анализ эпидемиологических показателей и факторов риска мозговых инсультов в популяции г.Тюмень (по данным регистра мозгового инсультьа), Автореферат, Пермь 2008.

6. Маджидова, Ё., Абдуллаев, З., Шохюсупов, Ш., Юнусов, О., Алимов,Б., Хайдаров, О. (2023). Клинико-эпидемиологическая характеристика инсульта в Узбекистане в период пандемии COVID-19по данным регистра инсульта. Неврология, 1(2), 5–7.

7. Путилина МВ. Факторы риска, особенности клинического исследования и подходы к

терапии у патциентов пожилого возраста с церебральным инсультом. Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. 2011;111(5):90-95.

8. Саломова Н.К. Особенности течения и клинико-патогенетическая характеристика первичных и повторных инсультов. Central Asian Journal of Medicaland Natural Science, -2020, 249-253.

9. Яшникова, М. В. Характеристика группы болных инсультом, подвергавшихся сочетанному воздействию шума и вибрация / М. В. Яшникова, Е. Л. Потеряева, Б. М. Доронин // Цереброваскулярная патология и инсулт: материалы 3-го Российского международного конгресса // Журнал неврологии и психиатрии им. С. С. Корсакова. – 2014. – № 8. – С. 411–412.

10. Akpanova D.M., Berkinbaev S.F., Musagalieva A.T. et al. Features of the clinical and demographic characteristics of patients with strokes and concomitant atrial fibrillation / Cardiology. 2018; 58 (S9): 48-57.

11. Hebert D., Lindsay M.P., McIntyre A., Kirton A. et al. Canadian stroke best practice recommendations: stroke rehabilitation practice guidelines, update 2015. Int. J. Stroke. 2016, 11, p. 459–84.

12. Ryu W. S. et al. White matter hyperintensity load on stroke recurrence and mortality at 1 year after ischemic stroke //Neurology. – 2019. – Т. 93. – №. 6. – С. e578-e589.

13. Shulman J. G., Cervantes-Arslanian A. M. Infectious Etiologies of Stroke. Semin. Neurol. 2019; 39(4):482-494.